



## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Мусабеков Улуғбек Жоробекович** -  
ТДИУ хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантириш илмий асослари ва  
муаммолари» илмий-тадқиқот  
маркази, мустақил изланувчи

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a34](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a34)

**Аннотация.** Ушбу мақолада миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестицияларни жалб қилиш тенденциялари кўриб чиқилган. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши муҳим омилларидан бири унинг турли соҳаларига инвестицияларни жалб қилишдир.

**Калит сўзлар:** миллий иқтисодиёт, инвестициялар, тармоқлар, ҳудудлар, инвестиция жараёнлари, хусусий мулк, халқаро стандартлар, ҳокимият органлари, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати.

## ТЕНДЕНЦИИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

**Мусабеков Улуғбек Джоробекович** -  
Соискатель Научно-исследовательский центр  
«Научные основы и проблемы  
развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены тенденции привлечения инвестиций в условиях модернизации национальной экономики. Одним из важнейших факторов устойчивого развития национальной экономики являются привлечение инвестиций в различные отрасли национальной экономики.

**Ключевые слова:** национальная экономика, крупные инвестиции, отрасли, территории, инвестиционные процессы, частная собственность, международные стандарты, органы власти, инвестиционный климат, инвестиционная политика.

## TRENDS IN ATTRACTING INVESTMENTS IN THE CONTEXT OF MODERNIZATION OF THE NATIONAL ECONOMY

**Musabekov Ulugbek Jorobekovich** -  
Research Center "Scientific Bases and Issues of  
Economic Development of Uzbekistan"  
Under the Tashkent State University of Economics

**Annotation.** This article examines the trends of attracting investments in the conditions of modernization of the national economy. One of the most important factors for the sustainable development of the national economy is investment in various sectors of the national economy.

**Keywords:** national economy, large investments, industries, territories, investment processes, private property, international standards, authorities, investment climate, investment environment, investment policy.

**Кириш.** Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши энг муҳим омилларидан бири унинг турли соҳалари ва тармоқларига инвестиция киритишдир. Инвестиция киритиш муаммоларини тадқиқ қилиш доимо иқтисодиёт фанининг диққат марказида бўлган, чунки инвестициялар мамлакатнинг умумий иқтисодий ўсиш жараёнини белгилаган ҳолда, корхоналар фаолиятининг энг туб асосларини қамраб олган [1]. Республикада мавжуд амалдаги ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янги, замонавий, юқори технологик ишлаб чиқаришни яратишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини ўтказишга катта эътибор берилмоқда, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш

зарур. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаш, жорий йилда 30 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши ҳамда унинг 25 миллиард доллари хусусий инвестициялар бўлиши режалаштирилмоқда [2].

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини ошириш учун самарали инвестиция сиёсатини олиб бориш тақозо этилмоқда. Бунда, аввало, инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, асосий капи-

тални технологик қайта ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда инвестиция механизмларини такомиллаштиришнинг макроиқтисодий масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, шу муносабат билан мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, 70 миллиард АҚШ доллари хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўришга сафарбар этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазибаларнинг изчил ва самарали бажарилишида инвестиция стратегиясини шакллантириш ва уни амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш аҳамияти сезиларли даражада ошмоқда.

Бу сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бозор субъектлари ўртасида, шунингдек, ушбу субъектлар ҳамда давлат ўртасидаги хўжалик муносабатларининг доимий ўзгарувчи ва тобора бозор мазмунига эга бўлаётган таркибига мувофиқ воситаларини ўз вақтида мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши мумкин. Ўзбекистон молия бозорининг шаклланиши ва ривожланиши инвестиция бозорининг иштирокчиларига хизмат кўрсатиш учун босқичма-босқич бозор инфратузилмасининг шаклланиши билан кузатилмоқда. Бунда бозор иштирокчиларига хизмат кўрсатишнинг институционал асослари яратилиши тижорат асосида молия-кредит, суғурта операциялари воситасида бозор муносабатларини шакллантириш имкониятини берди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Хорижий иқтисодий адабиётларда инвестиция муаммолари бўйича назарий тадқиқотлар собиқ Иттифоқ олимлари илмий ишлари билан солиштирилганда, инвестиция моҳиятини ёритиб беришда анча кенг миқёсдаги ёндашувга эгалиги тавсифланади. Инвестиция ва инвестициялаш муаммолари Дж.Кейнс, П.Массе, К.Макконнелл, С.Брю, Э.Долан ва бошқа олимлар илмий ишларида кенг миқёсда ёритиб берилган. Француз олими П.Массе ва инглиз олими Дж.Кейнснинг инвестиция моҳиятини аниқлашдаги мавжуд тафовутларда умумий методологик ёндашув ифодаланган. Шундай экан, П.Массе ёзади: «Инвестициялаш бугунги кундаги эҳтиёжнинг қондирилишини манфаат ёрдами билан унинг келажакда кутилаётгани алмашув актини ўзида ифодалайди» [3].

К.Макконнелл ва С.Брю инвестициянинг моҳиятини кейнсчилар моделининг идрокида деб билдилар, шунинг учун инвестицияни микроиқтисодий нуқтаи назардан қараб чиқадилар [4]. Муаллифлар ўзларининг қарашларида «ялпи хусусий ички инвестициялар» тушунчасини «америкалик ишбилармон фирмаларнинг

инвестицион сарфлари» деб айтадилар ҳамда улар қуйидагиларни ўз ичига олади: машиналарга барча охирги харидлар, барча қурилишлар, истеъмол қилинмаган маҳсулотлар.

Э.Д.Долан ва Д.С.Линдсей инвестиция моҳиятини микроиқтисодий нуқтаи назардан талқин қилиб, улар инвестициянинг мазмунини «шаклланаётган иқтисодий тизимда капитал ҳажмининг ўсиши, кишилар амал қиладиган ишлаб чиқариш ресурслари таклифининг юксалишида» деб билдилар [5].

Хусусан, Нобель мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати бўлган У.Ф.Шарп «Инвестиция» дарслигида: «Инвестициялар келгуси даромад олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян бойликдан воз кечишдир», – деб таърифлайди. Ушбу олим «инвестициялаш» атамасини қуйидагича шарҳлайди: «келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва «реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин» [1] деб ҳисоблайди.

Дж.М.Кейнс XX асрнинг 30-йилларида макроиқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун янги концепцияни таклиф қилди, «Бандлик ва қизиқиш умумий назарияси»ни шакллантиришда давлатнинг рағбатлантирувчи роли иқтисодий ўсишга таъсир, ишлаб чиқариш воситалари учун истеъмол талаби, янги инвестициялар ва кишилар психологияси, нодавлат корхоналарининг ривожланиши сингари иқтисодий омилларнинг зарурлигини асослаб, у хўжалик юритувчи субъектлар муносабатларининг хабардорлик даражасини белгилайди.

Дж.М.Кейнс мультипликатор эффектини асослаб, шундай хулосага келди: инвестицияларнинг кўпайиши жамиятнинг миллий даромади ошиши ва инвестицияларнинг дастлабки ўсишидан каттароқ миқдорга олиб келади. Инвестицияларнинг умумий миқдори ошганда, даромад инвестицияларнинг ўсишидан «n» марта кўп бўлган миқдорга ошади [6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғ.Ғозибеков ва Т.М.Қоралиев инвестицияни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулк ва интеллектуал бойликлар, деб таърифлайдилар [7].

Профессор Ш.Шодмонов ўзининг «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида инвестицияга қуйидагича таъриф беради: «Инвестициялар асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кучайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади». Бу таъриф бевосита инвестиция жараёнларини уларни сарф-

лаш нуқтаи назаридан моҳиятини асослаб беради. Профессор Н. Хайдаров инвестицияга қўйидагича таъриф берган: “Инвестиция инвестор (давлат, хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар)ларнинг ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини иқтисодий самара (тушум, даромад, фойда) олиш учун йўналтирилган қийматлар йиғиндисидир” [8].

Иқтисодчиларимиздан Д.Тожибоевнинг фикрича, инвестиция деганда, келажакдаги натижа учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки қайта таъмирлаш, маҳсулот ва хизматларнинг сифатини яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар тушунилади [9]. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция масалаларининг илмий-амалий жиҳатлари республикамиз иқтисодчи-олимлари Д.К.Ахмедов [10], Н.М.Махмудов [11], У.С.Надирхонов [12] ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Инвестициялар ҳажми ва таркиби муҳим иқтисодий кўрсаткичдир, чунки у ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти инвестицияларни сарфлаш суръатлари ва ЯИМ ўсиши ўртасидаги нисбатнинг даврийлигини намойиш этади, бундан ташқари асосий капитал дунёнинг етакчи олимлари томонидан тан олинган ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омилдир.

Айтиш мумкинки, маҳсулот ҳажми инвестициялар ҳажми кўринишидаги асосий капиталга, шунингдек, меҳнат ресурсларига бевосита боғлиқ. Ва агар меҳнат омиллари ўсишда чекланган бўлса, унда инвестицияларни кўпайтириш орқали капитални кўпайтириш мумкин. Шу билан бирга, иқтисодий ўсишни кучайтириш учун илм-фан, технология, таълим ва инсон капиталига сармоя киритиш ҳам муҳимдир.

Маҳаллий ва хорижий иқтисодчилар томонидан инвестиция жараёнларининг иқтисодий ўсишга қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, тўлиқ ўрганилмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммолар қаторига инвестиция стратегияларини шакллантиришга услубий ёндашувлар ва ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари чекланганлиги, инвестиция стратегиясини амалга ошириш механизми ва унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси етарли даражада ўрганилмаганлиги, макроиқтисодиётда инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил манбаларини шакллантиришни киритиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Стратегик режалаштириш, монографик кузатув, контент-таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, эконометрик моделлаштириш, электрон рақамлаштириш, прогнозлаш усулларида фой-

даланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини бошқариш ва ривожлантириш долзарб масалалардан бирига айланди. Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Инвестициялашнинг аниқ йўналишларини белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган [13].

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикасини ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат вазифалари бажарилишини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги турли инвестиция объектларига қўйилмалар учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қўйидагилар орқали амалга оширилади:

инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қафолатларини тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини барпо этиш;


асосий фондларни тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқини бериш;

техник жиҳатдан тартибга солиш нормалари, қоидалари ва талабларини белгилаш;

рақобатни қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш;

ер участкаларига ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш шартларини белгилаш [14].

Мамлакатдаги эришилган макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ва институционал ислохотларнинг чуқурлашиши, инвестициявий иқлимнинг яхшиланиши 2021 йилга нисбатан миллий иқтисодиётда инвестиция фаолиятининг анча фаоллашиши ва асосий капиталга киритилган қўйилмаларнинг ҳажми ўсишига сабаб бўлди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг макроиқтисодий индикаторлари (жорий нархларда, млрд. сўм)

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлил қилинаётган давр ичида ҳамма молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялаш нисбати анча ўзгарди. 2013–2021 йиллар мобайнида миллий иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуриш бўйича амалга оширилган мақсадли сиёсат натижасида электр энергетика, газ ва буғ билан таъминлаш соҳасида асосий капиталга киритилган инвестициялар 7,9 марта, ишлаб чиқарадиган саноат 6,4 марта, банд бўлганлар сони 1,2 марта, қишлоқ хўжалиги 4,6 марта ошди. Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаيمиз. Сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 30 % оширишга эришдик. Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга тушираемиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади.

2021 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 239,5 трлн. сўм ёки 2018 йилга нисбатан 192,1 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари асосий омил бўлди. Улар 2018 йилга нисбатан 3,9 мартага ўсиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 31,0 %ини, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-

ларнинг 19,6 %ини (ёки 3,6 марта ўсишни) ташкил этди.

Фаол инвестиция сиёсати саноатни тузилмавий қайта қуришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон инвестиция стратегиясида илғор технология билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларимиз чуқур қайта ишлаб чиқилиши, мамлакат экспорт салоҳияти ортиши, янги иш жойлари яратилишини таъминладиган янги юқори технологияга эга ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган инвестиция лойиҳалари афзал деб топилади.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишларига қаратилган саноат тармоқларида инвестиция жараёнини ривожлантириш бозор ислохотларининг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 декабрдаги 459-сонли қарорида республика иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори қўшимча қийматга эга экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, шунингдек, юқори маошли иш ўринлари яратиш ва жойларда бандликни таъминлаш мўжалланган.

Охириги йилларда жами асосий капиталга



ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 52,5 %и республиканинг тўртта худудида, жумладан, Тошкент шаҳрида 21,8 %, Қашқадарё вилоятида 12,4 %, Навоий вилоятида 9,4 % ва Тошкент вилоятида 8,9 % ўзлаштирилган. Мисол учун, “Ёшлик” мис конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказилиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-мисни бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бу орқали Олмалик комбинатининг рудани қайта ишлаш қуввати ҳозирги 40 миллиондан 100 миллион тоннага етди. Навоийдаги Пистали конида 4 миллион тонна олтин рудасини қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши якунланди. Металлургия соҳасида амалга оширилган катта дастурларимиз беш йилдан кейин мисни 3 баробар, олтинни эса йилига 150 тоннагача ошириш имконини беради. Кимё, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида ҳам йирик лойиҳалар ишга туширилади. Шу билан бирга, фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур.

Худудларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Жиззах вилоятида – 195,2 %, (асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми – 7919,3 млрд. сўм), Сирдарё вилоятида – 194,3 % (6129,2 млрд. сўм), Хоразм вилоятида – 167,1 % (5566,8 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида – 148,8 % (12232,4 млрд. сўм), Навоий вилоятида – 145,7 % (17775,3 млрд. сўм), Тошкент шаҳрида – 142,5 % (41497,9 млрд. сўм), Андижон вилоятида – 142,3 % (8183,7 млрд. сўм) ва Фарғона вилоятида – 140,1 % (9164,2 млрд. сўм).

Республикада жозибador инвестиция муҳитини шакллантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиш мумкин:

хорижий инвестицияларга, биринчи навбатда, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш манбаи сифатида қаралиши, шу билан биргаликда, ички инвестициялардан ҳам самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

инвестиция муҳитини шакллантиришнинг асосий йўналиши сифатида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, институционал шарт-шароитларни яратиш ва унда дунёнинг етакчи давлатлари тажрибасидан кенг фойдаланиш;

инвестиция муҳитини шакллантиришда хусусий сектор имкониятларидан самарали фойдаланиш ва унинг кафолатланган ҳимоясини таъминлаш;

инвестиция жараёнлари асосий иштирокчилари бўлган субъектлар учун бир хил инвестиция иқлимининг шакллантирилиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва назарда тутиш.

Ўзбекистон Республикаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш сари тутган изчил йўли бевосита ва портфель инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратмоқда [15].

Бундан ташқари молиялаштириш манбалари бўйича сармоя қўйилмалари умумий таркибида муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда, яъни давлатнинг асосий инвестор ролдан узоқлашиб, хусусий инвестицияларнинг ошишига кенг имкониятлар юзага келмоқда. Давлат улуши 2021 йилда 9,3 % дан 2012 йил умумий инвестициялар ҳажмининг 4,7 %ига тенглашди (1-жадвал).

1-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	Ўзгаришлар 2021(+/-2012)
1.	Корхона ва аҳоли	56,0	57,9	57,6	56,2	54,4	47,3	42,0	29,3	40,8	38,0	-18,0
2.	Жалб қилинган маблағлар	44,0	42,1	42,4	43,8	45,6	52,7	58,0	70,7	59,2	62,0	18,0
3.	Давлат бюджети	4,7	5,0	4,2	4,2	4,3	4,8	4,5	9,0	6,8	9,3	4,6
4.	Банк кредитлари ва бошқа қарз манбалари	10,3	9,7	10,4	11,0	10,8	12,6	17,8	13,8	7,6	8,0	-2,3
5.	Чет эл инвестициялари ва кредитлари	19,0	18,1	18,5	18,5	20,7	23,8	24,3	43,6	42,7	42,3	23,3

*Манба:* муаллиф томонидан тузилган.

Чет эл инвестициялари ва кредитлари 2012 йилда 19,0 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 42,3 %ни ташкил қилди. Марказлашмаган молиялаштириш ман-

балари ҳисобидан 44,0 % ёки 2021 йилга келиб, 62,0 % ҳисобида асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш бўйича асосий манбаи корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Миллий иқтисодиётда инвестициявий фаолиятнинг белгиланган мақсадини амалга ошириш қуйидаги энг муҳим вазибаларнинг ҳал этилишига қаратилиши лозим:

инвестиция фаолиятини амалга оширишдан олинган фойданинг максималлаштирилишини таъминлаш;

инвестиция рискларини минималлаштириш;

инвестиция фаолияти жараёнида саноат корхонасининг молиявий барқарорлиги ва тўлаш қобилиятига эгаллигини таъминлаш;

инвестициявий дастурлар ва самарали инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш йўлларини қидириб топиш.

Инвестиция фаолиятининг таҳлили корхоналарнинг нафақат инвестицион жозибдорлиги муаммоларини аниқлаш, балки жалб этилган инвестицияларнинг самарадорлигини ҳам аниқлашга ва унинг асосида улардан келгусида амалий фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида, инвестиция жараёнини ривожлантириш ва уни амалга оширишнинг иқтисодий механизминини яратиш учун кенг имкониятлар яратади.

Демак, республикамиздаги амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлардан бири жозибдор инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишдир. Инвестиция фаолияти учун жозибдор шароитларни яратиш давлат фаолиятининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади:

мамлакат иқтисодиётига сармоя киритиш таваккалчилигини пасайтиришга имкон берадиган қулай инвестиция иқлимини шакллантириш;

миллий ва хорижий инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги институтлар фаолиятини яхшилаш;

ижобий инвестиция имижинини яратиш.

Шундай қилиб, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, ишлаб чиқариш салохиятидан оқилона фойдаланиш ва бунинг асосида саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлиб, инвестиция фаолиятини ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторига киритиладиган ички ва хорижий инвестиция ресурсларидан фойдаланган ҳолда сармоя қўйилмалари кўламларини салмоқли даражада кенгайтириш зарур ҳисобланади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шарп У., Бейли Дж. *Инвестиции*. Пер. с англ. – М.: ИНФРА, 2000.
2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.*
3. Массе П. *Критерии и методы оптимального определения капиталовложений*. / Пер. с фр. – М.: Статистика, 1971. –160 с.
4. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. *Экономикс: принципы, проблемы и политика*. В 2-х т. Пер. с англ. 11-го изд. Т.1. – М.: Республика, 1992. –399 с.
5. Долан Э.Дж., Линдсей Д.Е. *Микроэкономика*. – Спб., 1994. – 448 с.
6. Кейнс Дж.М. *Общая теория занятости, процента и денег*. – М.: Прогресс, 1978. – 444 с.
7. Ғоziбеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. *Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш*. – Т.: Матбаачи, 1993. 6-б.
8. Хайдаров Н.Х. *Тўғридан-тўғри инвестициялар имкониятлари*. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 1-сон, сентябрь, 2011 йил.
9. Тожибоев Д. *Иқтисодий назария (иккинчи китоб)*. – Т.: Шарқ, 2003. – 79 б.
10. Ахмедов Д.К. *Бизнес-настроения в процессе реформ. Диалог государства с бизнесом определил пути совершенствования инвестиционного климата*. // *Экономическое обозрение*. № 5 (221), 2018 г. С. 80-84.
11. Махмудов. Н.М. *Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестициялар тармоқлараро бўлинининг эконометрик моделлари*. Монография. 2014. – 158 б.
12. Надырханов У.С. *Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста*. – Т.: Fan va texnologiya, 2011.
13. *Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни*. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган.
14. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.*
15. Зияев Т.М., Қобилов А.У., Ёқуб Д.Т., Зуфарова М.Қ. *Қулай инвестицион муҳит ва фаол инвестицион сиёсат – барқарор иқтисодий ўсиш омили*. – Т.: Иқтисод ва молия, 2019. 10 (130)-сон, 52-б.